

ЯПОНИЯ САЙЁХЛАРИНИНГ ЎЛКАМИЗ МИНОРАЛАРГА
БЎЛГАН ЭЪТИБОРИ, ХАМДА ГИД-ТАРЖИМОН ЙЎНАЛИШИДАГИ
ТАЛАБАЛАРГА МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА.

Буранова Камола Миртахировна

*(ЎзДЖТУ, шарқ тиллари факультети, япон тили кафедраси стажёр
ўқитувчиси)*

Анотация : Ўзбекистонимиз тарихий обидаларга жуда бой давлат. Уни асраб авайлаш келаси авлодга қадимий гўзаллигини йўқотмаган ҳолатда етказиб бериш бизнинг асосий бурчимиздир. Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, тарихий обидаларимизни кўришга, танишишга қизиқаётган сайёхларнинг сони янада ортиб бормоқда. Тарихий обидаларимиз ҳақидаги маълумотларни хорижий сайёхларимизга қизиқарли ва ўта мазмунли қилиб етказиб бериш жуда муҳимдир. Шу сабабли хорижий тилларни ўрганаётган ўқув даргоҳларида талабаларга ўлкашунослик йўналишида ҳам дарслар олиб бориш муҳим вазифаларимиздан бири деб ҳисоблайман. Ушбу мақолам орқали талабаларга сайёхларга олиб бориладиган сайёхлик методикаси ҳамда ўзбекистонимиз миноралари ҳақида бир-оз маълумот бериб ўтмоқчиман. Мехмонлар сони тахминий 15-20 кишидан иборат булган саёхатимизни бошлаймиз. Сайёхларимиз кунчиқар мамлакатдан ташриф буюрган Япония аҳолиси. Саёхатимиз умуй 7 кундан иборат булиб, Тошкент-Хива-Бухоро-Самарканд-Тошкент йўналишида олиб борилади. Тошкентга Нарита-Тошкент ҳаво йўллари орқали учиб келган саёхатчиларимизни кутиб олиб, Тошкент-Ургенч ҳаво йўллари орқали Ургенч шаҳрига учиб кетамиз. Ургенчда маҳсус сайёхларимиз учун буюртирилган автобусга жойлашиб музей шаҳар булмиш Хива томон йўл оламиз. Бизнинг саёхатдан асосий мақсадимиз ҳар бир шаҳардаги минораларнинг тарихи ва архитектураси билан танишиб маълумот тўплашдир. Ургенчдан Хивагача бўлган масофа 35 дақиқани ташкил этади, шу вақт ичида 30 дақиқалик юртимиз тарихи ва миноралари ҳақида маҳсус

хабарлар билан таништириб, 5 дақиқа савол-жавоб ҳам олиб борамиз. Ургенч-Хива йўналишида транспортда куйидаги келтирилган маълумотлар билан таништирамиз.

Kalit so‘zar: Minora, qal’a, ustun, koshinlar, mayolika, mozaika, terakota, panjaralar. сайёх

Ислом Хўжа минораси

Хиванинг яна бир гўзал хаммани лолу хайрон қолдирадиган минораларидан бири бўлмиш **Ислом хўжа** минораси қаршимизда ўзини нақадар савлатли эканлигини намоён этиб турибти. Агар эътибор берган ¹бўлсангиз кўп жойларда мажмуалар уни қурдирган инсоннинг номи билан аталган, шу қаторда **Ислом хўжа минораси** ҳам шулар жумласига киради. Албатта қурдирган инсон ўзига тўқ, тадбиркор инсон, зиёли, ўқимишли, таниқли ва жуда саховатли инсонлардан булишган. Саёхатчиларимизда албатта нега ўз пулларини бундай кўп маблағ талаб қиладиган иншоотларга сарфлашган деган саволлар ҳам туғилиши мумкин. Ислом динида ҳар бир мўмин муслим савоб иш қилиш кераклиги ҳақида айтилган. Бундан ташқари келажак авлод илм олиб элга фойдаси тегиб, буюк инсонлар етишиб чиқиши учун ҳам минора, масжид, мадрасалар қуриб бериб уларга илм олишда катта шароитлар яратиб беришган. Шу билан бирга ўз номларини абадийлаштириш мақсадида минораю масжидларга ўз номларини беришган.

Акбар Ислом Хўжа 1871 йилда зиёли Иброҳимхўжа оиласида дунёга келади. У ўн беш ёшидан бошлаб хонликнинг бош закотчиси вазифасида, 1889 йилдан мамлакатнинг катта вилояти Ҳазораспга ҳоким этиб тайинланади, 1899 йилдан ота ўрнида вазир лавозимида ишлаб, Вазири Акбар-Улуғ Вазир даражасига ҳам кўтарилгандир. Ислом хўжа халқ учун жон қуйдирадиган фидойи инсон эди, айниқса илм ва маърифатга катта эътибор

¹ Комилжон Худойбергенов “Хива” 167 бет

PRINCIPAL ISSUES OF SCIENTIFIC RESEARCH AND MODERN EDUCATION

каратиб,ўзи руслар билан дўстона алоқа олиб бориб,рус тилини ҳам мукамал билганлиги сабабли 1910 йилда рус тили,математика,география,табиатшунослик ва шунга ўхшаш аниқ фанларни ёшларга ўргатиш учун европа услубидаги(жадид мактаби) икки қаватдан иборат янги услубдаги мактабни қурдирган.Бундан ташқари касалхона,почта,телеграф,қўша дарвоза,хоннинг янги услубдаги қабулхонаси,янги услубда темир кўприклар,мадраса ва жуда баланд қилиб мнора ҳам қурдиради.У Исфандиёрхоннинг давлат бошқаруви даврида юртнинг равнақи,халқнинг фаровонлиги учун фаол ҳаракат қилиб кўп яхши ишларни амалга оширади.Ислом хўжа даврида хонлик иқтисодиёти ҳам усиб,иқтисодиёт ва маданият ривожлана бошлайди.Вазир Акбар Ислом Хўжанинг фидойи инсонлигини севиб хурмат қилувчи инсонлар билан бирга унинг яхшиликларини хазм қила олмайдиган номард инсонлар,яъни душманлари ҳам кўп эди.У Хивани ривожлантиришда катта фойда бўлади деб рус қонунчилиги системасини олиб кирмоқчи бўлади,бу эса душманларига ёқмай уни ваҳшиёна тарзда ўлдиришади.Кейинчалик бу ишда Исфандиёрхоннинг ҳам қўли борлиги аниқланади.яъни 1913 йил 9 августда Исфандиёрхон ўзининг қайнотаси ва бош вазири Саййид Ислом хўжани махфий ҳолатда қатл эттиради.Ислом хўжа тарихда ваҳшиёна тарзда ўлдирилган бўлсада,унинг бунёд этирган мактаб,мадраса,минораларида унинг **Ислом хўжа** номи абадий қолгандир ва халқ у билан фахрланади.Хурматли меҳмонлар вазир Ислом хўжа қандай инсон бўлганлигини билиб ҳам олдик.Навбатдаги вазифамиз минора билан яқинроқ танишишдир.**Ислом хўжа минораси** худди шу номдаги мадрасанинг ёнгинасида жойлашган.Минорани фундаменти билан ҳисоблаганда баланлиги 57 метрни ташкил етиб,диаметри 9,5 метрни ташкил этади.Минора (1908-1910)йилларда қурилган Хиванинг янги замонавий услубдаги қурилмаларидандир.Миноранинг архитектураси жуда мураккаб,ҳар бир инсонни ўйлантириб ўқўядиган даражада маъноли,шаҳарнинг қандайдир бир

сирларини ўзида мужассам этгандек туюлади. Саёхатчиларимизга мурожат қиламиз: -Хурматли меҳмонлар минорани паст қисмидан юқорига томон эътибор билан қаранглар. Пастдан юқорига томон **хаво ранг, тўқ кўк ранг, яшил – зангори ранг ҳамда оқ рангдан** иборат халқасимон турли хил нақшлар билан безатилган. Бу халқалар худди миноранинг белбоғига ўхшаб кўринади, безакли белбоғлар ҳаммаси 14та бўлиб, сиркор, рангли кошинлар билан безатилгандир. Миноранинг юқори қисми **гулдаста услубида** қуриб безатилган бўлиб, гулдаста безагида ҳам яшил зангори ва оқ ранглар кўзга ташланиб туради. Хиваликлар бу рангларни тўрт фаслга ҳам таққослашади. Минорага айланма зина орқали (зина баландлиги 35-40см, 118та зинапоё) кўтарилади. Ичкарига ёруғлик тушиб туриши учун миноранинг айлана қисми бўйлаб 10 та туйнук ишланган. Туйнуклардан ичкарига тушиб турган қуёш нури орқали бирин-кетин юқорига кўтарилувчи айланма зинапоёлар, худди эртақлардагидек ички манзарани қандайдир сирли, мужизакор қилиб кўрсатади. Энг юқоридаги умумий кузатув майдончасида 6та панжарали дераза ўрнатилган бўлиб, 1924йилнинг январь ойида Жунаидхон босқинчилари шаҳарни қамал қилганда, миноранинг юқоридаги кузатув майдончаси катта фойда берган экан, яъни юқоридан туриб душманларни қайси томондан келаяпганлигини кечаю-кундуз кузатиб туриб уларга қарши чоралар кўришган. Узоқдан қарасангиз минора уз кўркию савлати билан шаҳарни ёмон кўзлардан кўриқлаб тургандек туюлади. Яна миноранинг энг юқори қисмида баландлиги икки ярим метрлик мисдан ишланган гумбазсимон кубба ўрнатилган бўлиб унинг тепасига ой шакли ҳам ўрнатилган. 1997 йилда бу ўнта бўлакдан иборат бўлган гумбаз ерга туширилиб, тилла суви билан қопланиб таъмирланди. Исломда ой шакли масжид ва минораларнинг юқорисида кўзга ташланиб туради. Албатта ой шакли нима сабабдан ислом рамзига айланган деган саволлар туғилади. Бу ой аввалдан келишилиб танланган ислом рамзи бўлмаган экан. Унинг танланишига Усманийлар давридаги воқеалар сабаб бўлган экан. Усманийлар

PRINCIPAL ISSUES OF SCIENTIFIC RESEARCH AND MODERN EDUCATION

душманга қарши хужум бошлашганда **ойни** ўзларига шартли белги қилиб олишар экан, яъни улар ой кўринганда хужум бошлашни ўзларига одат қилиб олган эканлар ва мана шу ой кўринганда қилинган хужум доим муваффақиятли якунига етар экан. Шу сабабдан ҳам ғалабага эришилгач хилол ойна ўларига рамз қилиб олган эканлар. Кейинчалик эса Усманийлар бир қанча ислом юртларида кўп йиллар хукмронлик қилишган экан. Усманийлар хукмронлиги даврида ой шакли ҳам ислом давлатларига тарқалиб, секин-аста ислом динининг рамзига айланиб қолган экан. Ибодат вақтларини аниқлаш учун хизмат қиладиган ойнанинг кўриниши унинг турли шаклга ўзгариб боришига боғлиқ экан. Яъни ой дастлаб ипдек нозик ҳолатда кўриниб, сўнгра катталаша боради ва ниҳоят бутун бўлиб тўлиб, доира шаклига киргач, яна қайтадан ингичкалашиб бутунлай аввалги ҳолатига қайтади. Мана шунда ойнанинг тўлиб ёки ингичкалашиб, ўзгариб туришига қараб инсонлар ўзларининг деҳқончилик, савдо ва бошқа дунёвий ишлари ҳамда ҳаж, рўза, закот каби диний амалларнинг вақтларини аниқлайдилар. Шундай қилиб узоқ авлодларимиздан бзларгача етиб келган минора ва масжидларнинг устидаги **ой шакли** шуерда ислом ибодатхонаси, яъни намоз ўқиладиган жой борлигини билдиради.

Минора қурилиши ҳақида эски ёзувдаги маълумотлар ҳам бизгача яхши сақланиб келган. Хоннинг буйруғи билан мармар тошга, шоир Ниёзийнинг минора қурилиши тарихи ҳақидаги ёзма маълумотлари кўчириб ёзилади. Мармардаги минора тарихи эски туркий тил, насталиқ хатида ёзилган эди. Қаршимизда турган минора ҳақиқатдан ҳам савлатали ва мафтункордир, ундаги нақшинкор халқалар тўрт фаслни ўзида намоён этиши эса бир мўжизадир.

Минора тарихи (15-20 дақиқа) ҳақида маълумот бериб бўлгач, саёхатчиларимиз билан минорадан узоқлашмаган ҳолатда, яъни минора қаршисида савол-жавоб (5-10 дақиқа) олиб борамиз. Савол-жавоб тугагач саёхатчиларимизга кўшимча (25-30 дақиқа) вақт берилади. Берилган

вақтдан унумли фойдаланган ҳолда саёҳатчиларимиз минора ички қисмини тамоша қилиш учун зинапоялардан юқорига кўтарилишлари мумкин. Минора билан бир қаторда шу номдаги мадрасани ҳам тамоша қилишлари мумкин. Минора ёнидаги Ислом хўжа мадрасаси ҳозирда амалий санъат музейи деб номланади. **Ислом хўжа** минорасидан то **Жума минорасигача** пиёда (**2-3 дақиқа**)ни ташкил этади.

Жума масжид минораси

Ичан қалъадаги иккита катта кўчанинг кесишув қисмида жойлашган жума масжиди жуда ҳам қадимийдир. Масжиднинг ичида тахминий XV111 асрларда масжидга ёпиштириб қурилган ажойиб минораси бор. Ушбу минора Хивада баландлиги бўйича еиккинчи ўринда туради. миноранинг баландлиги 42 метр баландликда бўлиб, ўша даврда минора юқорисида кунига беш маҳал чиқиб азон чақиритган. Минорани ташқи кўринишига эътибор берадиган бўлсак, унчалик ортиқча безак берилмаган, жиддий кўринишга эга бўлиб, энг юқори қисми гулдаста услубида тугалланган.²

Минора ҳақда Хивалик боболаримиз-у, момоларимиз жуда кўп-кўп афсона-ю хикоялар сўзлаб беришади, бири биридан қизик. Бир кун шу жума масжид минораси тепасидан қўлга олинган душманни улоқтиришибди, бироқ ҳаммани ҳайратга солиб халиги душман тирик қолибди. Душманнинг юртдошлари уни соппа-соғ қайтиб келганидан завқланишиб уни **Омонгелди** деб аташибди. Кейин аниқлашсаки халиги душман одам улоқтирилишидан аввал устидаги чопонининг етак қисмини таваккал қилиб кўлига маҳкам ушлаб олган экан. Ерга тушаётганда чопоннинг ичига ҳаво тўлиб пастга енгилгина кўнган экан. Бундан кўриниб

² Комилжон Худойберганов "Хива" 182 бет

турибди маҳаллий аҳоли қадимдан физика ва бошқа фанларни яхши билишган.

Яна бир қизиқ ривоятни сизларга хикоя қилиб бермоқчиман. Ривоятда айтилишича масжиднинг эски минораси кулаб тушибди. Янгисини тиклашга эса ҳеч қандай маблағ йўқ экан. Шунда имом ўзининг уй-рўзғорига ажратилган пулидан маълум бир қисмини бир чекага қўйиб минора учун йиға бошлабди. Орадан бироз фурсат ўтгач, минора усталарини чақириб тўпланган маблағга шундай бир минора қуришни буюрибди-ки, пул ҳам ортмасин, минора ҳам тўлиқ битсин-деб айтибди. Усталар жуда кунт билан ишлаб бир кўркам минорани қуриб битказибдилар. Имом минора қурилишида қатнашган усталарга миннатдорчилик билдириб ва халқига қараб шундай дебди: “қаранглар агар нафсимни тиймаганимда шу минорани ҳам еб юборар эканман”

Яна бир ривоятда айтишларича Меҳтар минора битгач хонга уни ҳалол пулидан қурдирганини, хазинасидан унга битта ҳам танга ишлатмаганини айтади. Агарда унга ҳаром пул қўшилган бўлса, минора аввал менинг устимга куласин дейди ва қабрини ҳам минора яқинига қурдиради. Жума минораси кўчанинг кесишган қисмида жойлашгани учун ҳам жуда кўркам кўринади. Минорага ортиқча безак берилмаган бўлсада усталарнинг яратган мўжизасини кўриб, махоратига тасанно деб айтгимиз келади. Навбатдаги минора томонйўл олишдан аввал, жума минораси бўйича савол-жавоб олиб бориб, яқинроқ томоша қилиш учун қўшимча вақт (20-25 дақиқа) берамиз. **Жума минорасидан то Саййид шоликорбой минорасигача пиёда (5 дақиқани) ташкил этади.**

Саййид Ниёз шоликорбой минор

Саййид шоликорбой минораси 1842 йил жуда кўркам, безакли, гулдаста услубида масжидга ёпиштириб қурилган. Ушбу минора ҳақида кўп ривоятлар айтишган. Улардан бирида айтилишича

PRINCIPAL ISSUES OF SCIENTIFIC RESEARCH AND MODERN EDUCATION

Саййид шоликорбой жуда хушмуомала, меҳмондўст, қалби пок инсон бўлганлиги учун ҳам унинг дўстлари кўп эди. Дўстлари турли миллатдан бўлиб, ичида қозоқ дўстлари ҳам бор экан. Саййид шоликорбойнинг бир қозоқ дўсти ҳар йил баҳор бошланиб, қўйлар қўзилагандан кейин катта бир подани Хива бозорига келтириб сотиб кетар, бу вақтда Саййидбойнинг уйида меҳмон бўлар экан. Бир йил шу қозоқ жудаям кўп қўй ва қорамол келтириб сотибди ва одатдагидек, Саййид шоликорбой дўстининг уйига меҳмонга келибди. Эшикдан киргач, қўлидаги бир халтача тилла тангани эшик орқасига ташлабди. Меҳмондорчилик бир-икки кундан кейин тугабди, меҳмон ўз ишларини битириб, хайрлашиб юртига жўнаб кетибди. Орадан бироз вақт ўтгандан кейин Саййид шоликорбой қозоқ дўст унутиб қолдирган пулларини топиб олиб, бир чеккага яшириб қўйибди. Чунки дўстининг пулини олиб бораё деса, ўша кўчманчи қозоқнинг уйини ҳам билмас экан-да. Келгуси йил яна шу пайтда қозоқ дўсти Саййидбойникига келибди, шунда Саййид шоликорбой унга пулларини чиқариб бериб, ҳатто очиб санамаганини, ”омонатга хиёнат йўқ”лигини айтибди. Қозоқ дўсти эса, у пулларни йўлда тушириб қўйдим шекилли деб ўйлаб, не бўлса худодан деб, унутиб юборган экан. Шунинг учун у Саййидбойга айтибди: “бу пуллар энди сеники, мен кўнгилда уни аллақачон худо йўлига садақа қилганман. Агар маъқул бўлса масжид қурдир”-дебди. Хуллас Саййидбойдан пулларини олмай, қолдириб кетибди. Саййидбой эса нима қиларини билмай пулларни олиб қози олдига борибди ва маслаҳат сўрабди. Қози ҳам анниқ бир фатво тополмай, уни давлат хазинасига топширишни маслаҳат берибди. У вақтда адолатли Оллоқулихон давлат бошқарар экан. Оллоқулихон ҳам унга масжид қуришини маслаҳат бериб, шаҳар дарвозаси олдида масжид учун ер ҳам берибди. Бундай маслаҳатдан Саййидбой ҳам жуда мамнун бўлибди. Саййидбой шарқий дарвоза олдида қурилиш учун ажратилган ерга келиб, масжид лойиҳасини туза бошлабди. Бироқ бу ерда Шодмон

PRINCIPAL ISSUES OF SCIENTIFIC RESEARCH AND MODERN EDUCATION

исмли битта бева кампир яшар ва унинг уйи масжид ва минора биноси жойлашиши лозим бўлган жойда ўрнашган экан. Кампирдан уйини сотиб олиш учун у билан мулоқотда бўлганда, агар унга ҳам яшашга масжид ичидан жой ажратилса, уйини сотишга розилигини айтибди. Саййидбой бунга жон дили билан рози бўлибди ва минора, масжиднинг қурилиши бошлаб юборилибди. Шундай қилиб масжидга ёпиштириб қурилган минора ҳам битибди. Минора гўзаллик борасида бошқа миноралар билан беллаша оладиган даражада мафтункор ва мўжизакордир. Минора баландлиги 24 метрни ташқил этади, диаметр 4 метрни ташқил этади.

Гўзаллик бобида биринчилардан саналувчи ва ҳаммани лол қолдирувчи миноранинг қурилиш услуби бошқалардан фарқ қилиб, ғиштлири қадимги Хоразмий усулда бўртма, қавариқ нақшлар билан безатилиб, шарафакарнизларига Бухоро усталари осма услубдаги (сталактит) қўлланилиши миноранинг чиройини янада ошириб кўрсатади.

Саййид Ниёзбой Хивада ўзининг шоликорлиги билан машҳур бўлган хурматли инсон эди. Шоликор деб Хиваликлар шолидан гуручни ажратиб чиқарадиган тегирмончиларни айтишган. Отасидан қолган бойликни шоликорлик касбини ривожлантириш учун сарф қилб, халқига қилган хизмати эвазига катта обрў қозонган Саййидбойнинг авлодлари бугунги кунда ҳам бой-бадавлат ва хурмат эътибордалар. Шўролар ҳукумати даврида бутун масжид, миноралар беркитилиб, дин таъқиб остига олинган йилларда катта шаҳар Хивада биттагина масжид очик бўлиб, минорасидан эса азон чақирган овоз эшитилиб турар, бу ҳам бўлса Саййидбой қурдирган минора эди. Меҳмонлар билан савол-жавоб (10-15 дақиқа) олиб бориб, пиёда навбатдаги минора томонга йўл оламиз.³

Полвон қори минораси

Полвон қори минорасининг қурилиш тарихи жуда ажойибдир, яъни бошқа миноралардан фарқ қилган холда, маҳалла ичида, аҳоли яшайдиган уйларнинг

³ Комилжон Худойбергенов "Хива" 243 бетлар

PRINCIPAL ISSUES OF SCIENTIFIC RESEARCH AND MODERN EDUCATION

орасида жойлашган. Ўр маҳалласида Юсуфбек Фозилбий ўғлининг уйи бўлган экан. Уйни Отажон тўра деган инсонга беришган экан. Отажон тўра эса уйни газлама сотувчи савдогар бир инсонга, Муҳаммад Яъқубгасотиб юборган экан. Муҳаммад Яъқуб газламачи Хивада Полвон қори номи билан танилган экан. Уйи ўрнига қурдирган масжид ва минора ҳам Полвон қори деб номланади. Ушбу минора қурилиш услубига кўра Ўрта Осиёда ягонадир. Миноранинг баландлиги 21 метр бўлиб, Қолган минораларга ўхшаб конуссимон бўлмай, цилиндрсимон-пасти ва тепасининг диаметри бир хил ўлчамдадир.

Абдол бобо минораси

Абдол бобо минораси мақбараларнинг орасида жойлашган. Мақбаралар эса эски шаҳарнинг шарқий томонида бўлиб, Полвон дарвоза билан Кўй дарвоза ўртасида жойлашган. Абдол бобо мақбарасининг атрофи кейинчалик қабристонга айланганлиги сабабли, бу жойни муқаддас билиб, бу ерда минораси билан бирга масжид, ҳовуз, қорихоналар бунёд қилишган. Минора қурилиши XV111-X1X асрларга бориб тақалади. Минора жуда кўркам бўлиб, юқори қисмини усталар гулдаста шаклида безаб, кичкина гумбазча билан тугаллашган.

Муҳаммад маҳрам минораси

Дишан қалъанинг жанубий-ғарбий қисмида 1903-йилда Муҳаммад маҳрам томонидан жуда ажойиб кўринишга эга бўлган, маҳалла фуқаролари учун минора, масжид, мадраса, таҳоратхона ва болалар ўқиб илм олишлари учун мактаб ҳам барпо этилган. Айниқса мадраса ёнида ёпиштириб қурилган минора ўзининг содда кўриниши билан бошқа миноралардан ажралиб туради. Минора баландлиги йигирма метрни ташкил этади. Минорада ортиқча безаклар қўлланилмаган, конус шаклида булиб, юқори қисмида гулдаста услубидан фойдаланилган. Миноранинг ҳеч қандай безакларсиз, шундайгина оддий, содда услуби унинг савлатига савлат, кўркига эса кўрк қўшиб турибди. Хивалик ёши улуғларнинг сўзларига қараганда, Муҳаммад маҳрамлар иккита

бўлганлиги учун бирини улуғ Мамат маҳрам, иккинчисини кичик Мамат маҳрам деб атаган эканлар. Баёний улар ҳақида шундай деб ёзади: -“Маҳфий қолмасинким, Муҳаммад маҳрам иккидур, бирини ақлли Муҳаммад дер эдилар. Минораю, мадраса солдирган ақлли Муҳаммадурким, 1909 йилда вафот топди”. Юқорида миноралар билан яқинроқ танишиш мақсадида ҳар бир минора яқинида саёхатчиларимизга қўшимча вақт (15-20 дақиқа) берамиз. Саёхатчиларимиз билан (5-10 дақиқа) юқоридаги миноралар бўйича савол-жавобни ниҳоясига етказгач навбадаги минора томон йўл оламиз. Навбатдаги минора шаҳарнинг ғарбий томонида, ота дарвозанинг яқинида жойлашган.

Бикажон Бика минораси

Бикажон Бика минораси ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. Ушбу минорани Ҳива хонининг сингиллари қурдирган эканлар. Бухородан Ҳивага келган Фахриддин исмли бир инсон Ҳива хонининг сингилларига уйланар экан. Ҳивага келган кезларида Саййид моҳи рўйи жаҳон мақбарасининг жанубий томонида бир қаландархона қурдирар экан. Шу сабабдан уни ўз исми билан чақирмай, Шоқаландар (қаландарлар шоҳи) деб аташаркан. Албатта Бикажон Бика минорасига Шоқаландар исмининг қандай боғлиқлиги бор экан деган савол туғилади. Айтишларича Шоқаландар бобо Ҳива хонининг сингилсига уйланган экан. У кишидан фарзанд бўлмаганлиги сабабли, мол-мулкни қаландархона қурилишига сарфлаган экан. Шоқаландар бобо вафотидан кейин, у кишининг аёллари эрининг номини абадийлаштириш мақсадида бир кичик мадраса билан ёнгинасида минора ҳам қурдиради. Мажмуанинг умумий номи Шоқаландар бобо деб номланади. Шундай булса-да минорани Хиваликлар Бикажон Бика минораси деб номлашга одатланишгандир. Минорада унчалик безаклар қўлланмаган, содда услубдаги кўркам минорадир.

Хулоса

Мустақилликка эришганимиздан сўнг қанча тарихимизга гувоҳ бўлган қадимий обидаларимизни асраб авайлашга катта эътибор қаратиляпти,шундай экан,шаҳримизни кўрки бўлган мўжизакор миноралар,масжиду мадрасаларни авайлаб,асраб уларни келажак авлодга етказиб бериш,ҳар биримизнинг асосий мақсад ва вазифамиз ҳисобланади. Ушбу мақолам келажакда гид-экскурсавод бўлишни истаган талабаларимиз ўқув қўлланма сифатида фойдаланишади деб умид қиламан.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YHATI

1. К. Худойберганов “Xiva dunyodagi eng ko’xna shahar”, Toshkent 2012, 34-182бетлар
2. Yu.N. oleskerov «Samarqand», moskva 1986.